

## Жиддада динлар ва маданиятлараро диалог мавзусида анжуман бўлиб ўтди



11:14 / 26.12.2018 2696

Ислом ҳамкорлик ташкилоти томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда сиёсатчилар, тадиқотчилар ва ташкилотнинг ходимлари иштирок этди, деб хабар беради IQNA.

“Динлар ва цивилизациялар ўртасидаги диалоглар, ташаббуслар, имкониятлар ва уфқлар” номли ушбу йиғилишда динлар ва маданиятлар ўртасидаги диалоглар тарихига назар солинди. Ливан университети Ислом тадиқотчи олими, айти пайтда ёзувчи Ризван ал-Сайид бу анжуман, асосан бугун Исломият олдида турган муаммоларни ўрганишга бағишланди, деб айтган. Ризван ал-Сайид “Тадқиқотчи Самуэл Хантингтоннинг “Маданиятлар тўқнашуви” ҳақидаги мақоласи бу Ислом дунёси ва бошқа дунё ўртасидаги алоқалари тарихида бурилиш нуқтаси

бўлди. Айрим мусулмон мутафаккирлари ва ғарб олимлари бу илмий мулоҳазани ўтган асрнинг 90-йилларида чуқур ўрган эдилар” деди.

Самуэл Хантингтоннинг “Маданиятлар тўқнашуви” номли мақоласи 1993 йилда ёзилган бўлса-да, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг жуда ҳам кўп ўқиладиган мақолага айланган эди. Унда Ғарб ва ислом, насроний ва мусулмон, Фаластин, Афғонистон, Босния-Герцоговина, Чеченистон инқироzi мавзулари тадқиқ этилган. Бироқ кўплаб сиёсатчилар томонидан дунёнинг келажакдаги ҳолати, бу муаммоларнинг нима билан яқун топиши борасида аниқ тўхтамга кела олмаётганлари ҳақида фикр юритилган эди. Аввалида қуруқ хаёллар деб қараб келинган ушбу мақолага 11 сентябрь воқеаларидан сўнг энг долзарб мавзу сифатида қараш пайдо бўлган.

***Islom.uz портали таҳририяти***